


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5232100 – *Корпоратив молия* бакалавриат таълим йўналишининг
малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти;
- Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.2.	5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
2.	5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари	6
3.	5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар	9
3.2.	5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар	11
3.3.	5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми	13

1. 5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака (даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака (даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаби асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услугий бўлим бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2 5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши иқтисод соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у акциядорлик жамиятлари молияси, молия-саноат гуруҳлари ва

трансмиллий корпорациялар фаолият механизми, холдинг компаниялари молияси, масъулияти чекланган жамиятлар молияси, қўшма корхоналар молияси, қимматли қоғозлар бозорида фаолиятни ташкил этиш, молиявий назорат, молия бозоридаги операцияларни юритиш, ўзаро ҳисоб-китобларни ташкил этиш, корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини бошқариш билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

Йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг тақлиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- акциядорлик жамиятлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари;
- холдинг компаниялари;
- қўшма корхоналар, масъулияти чекланган жамиятлар;
- молия-саноат гуруҳлари;
- трансмиллий корпорациялар;
- корпоратив тузилмалар молиявий ресурсларини бошқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- молиявий фаолият билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари;
- молиявий назоратни олиб боровчи органлар,
- молиявий назоратни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари;
- тижорат банклари;
- суғурта ва лизинг компаниялари;
- қимматли қоғозлар бозори институтлари;
- инвестиция фаолияти билан шуғулланувчи ташкилот, муассасалар;
- пул муомаласи фаолиятини ташкил этувчи соҳа ва тармоқлар;
- касса, ҳисоб-китоб фаолияти билан шуғулланувчи бўлимлар;
- молия бозорини тартибга солувчи давлат органлари;
- молия бозори инфратузилмасига мансуб профессионал ташкилот, муассасалар;
- молия бозорининг профессионал иштирокчиси сифатида консалтинг фирмалари;
- хўжалик юритувчи субъектлар;
- бошқа молиявий-иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобланади.

5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

- давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасида юзага келадиган молиявий муносабатларни амалга ошириш;
- акциядорлик жамиятлари молияси;
- холдинг компаниялари молиявий-хўжалик фаолиятини бошқариш;
- қўшма корхоналар ва масъулияти чекланган жамиятлар молияси;
- трансмиллий компаниялар молияси;
- корпоратив молиявий муносабатларни назорат қилиш;
- молиявий ресурслар ва пул оқимларини бошқариш;
- тижорат банкларида корпоратив молиявий муносабатларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- қимматли қоғозлар билан операцияларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- суғурта компанияларида корпоратив молиявий муносабатларни ташкил этиш ва амалга ошириш;
- лизинг компанияларида корпоратив молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш;
- корпоратив тузилмаларда мулкдорлар билан ишлаш;
- молия бозори институтлари билан молиявий муносабатлар ўрнатиш;

- товар ва хизматлар бозорида молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш.

1.2.3. 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб-таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида);

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4 Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин. Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5232100 – Корпоратив молия таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

– корпоратив тузилмалар фаолияти, корпоратив молияни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва уларни қўллаш олиши;

– қимматли қоғозлар бозорини давлат томонидан тартибга солишни, муаммолари ва уларни ҳал этиш бўйича тавсиялар бера олиши;

– қимматли қоғозлар бозорига янги қимматли қоғозларни (масалан, ипотека қимматли қоғозларини) тадбиқ қилиш ва уларни жойлаштириш;

– корпоратив тузилмаларда бюджетлар, молиявий режалар, бизнес-режалар, молиявий ҳисоботларнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш;

– корпоратив тузилмаларда молиявий ресурслар жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш;

– инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар фаолият самарадорлигини ошириш;

– молиявий рискларни самарали бошқариш орқали корпоратив тузилмалар фойдасини максималлаштириш;

– давлат билан молиявий муносабатларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

– қимматли қоғозлар бозорига молиявий операцияларни ташкил этиш ва ўтказиш;

– корпоратив тузилмалар ташқи иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш;

– молия бозори институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

– жамоавий молиялаштириш (инвестиция фондлари, пай фондлари фаолияти асосида) амалиётидан фойдаланиш;

– миллий ва халқаро бозорларда қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) операцияларини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш;

– корпоратив тузилмалар фаолият самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил асосида молиявий барқарорлик даражасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

– касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

– ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;

– зарурий статистик маълумотларни тўплаш, уларни қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва талаб этилган таҳлилий ҳисобот ёки умумлаштирилган қисқача маълумот шаклида тақдим этиш;

– молиявий-иқтисодий жараёнларнинг тавсифи асосида стандарт шаклдаги, назарий ва эконометрик моделларни яратиш, улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаб териш;

– лойиҳалар, бизнес-режаларни тузиш, улар ижросини ташкил этиш, ҳисобини юритиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш;

– молиявий (бюджетларни) прогнозлаш ва режалаштириш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;

– ички ва ташқи таъсир омилларини ҳисобга олган ҳолда молиявий (бюджет) кўрсаткичлар(и)нинг ўзгариш тенденцияларини ва динамикасини таҳлил қилиш, молиявий рискларни баҳолаш;

– реал сектор, молия ва суғурта бозорлари, банк секторининг ривожланиши ва амалий фаолияти тенденцияларини кўрсатиш учун зарур бўлган ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

– солиқ бўйича қарздорликни тартибга солиш йўллари, солиқларни режалаштириш, шунингдек, солиқ тизимининг алоҳида элементлари тўғрисидаги ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

– хорижий ва миллий маълумотлардан фойдаланган ҳолда молия-кредит тизимининг фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;

– тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларни амалга оширилганда молиявий-иқтисодий натижаларни таҳлил қилиш;

– ҳудудий ва корпоратив ахборот тизимларидан самарали фойдаланиш, ахборот технологиялари хизмати билан ўзаро боғлиқ бўлган фаолият доирасидаги маълумотларни химоялаш ва қайта ишлаш усулларини ҳамда дастурий воситаларни билиш;

– потенциал истеъмолчиларни маслаҳат хизмати фаолиятидан фойдаланишга, қизиқтиришга, турли масалаларни маслаҳат учун ажратишга, маълум ҳолатларда экспертизани амалга ошира олиш, умуман, маслаҳат фаолиятига доимо тайёр бўлиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

– реал сектор, молия ва суғурта бозори, кредит ташкилотлари, бюджет-солиқ соҳасида қўлланиладиган турли тартиб, усуллар, стандартлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

– корпоратив молияни бошқариш, янги лойиҳалар бўйича капитал жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, инвестицион фаолиятни юқори самарадорлик асосида ташкил этиш, молиявий рискларни бошқариш орқали фаолият самарадорлигини ошириш бўйича тегишли бошқарув органларида иш юритиш;

– стратегик масалаларни ҳал қилишда корпоратив молияни бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш;

– стратегик молиявий қарорлар қабул қилишда стратегик қарорлар қабул қилиш методларини қўллаш олиш;

– турли тармоқларни, лойиҳаларни, гуруҳдаги (жамоодаги) ҳамкасбларни, бўлинмаларни, ташкилотларни бошқариш;

– корпоратив стратегияни ишлаб чиқиш, амалга оширишни ташкил этиш ва унда раҳбарлик қилиш;

– молия бозорида операцияларни муваффақиятли ташкил этиш;

– корпоратив тузилмалар халқаро операцияларини муваффақиятли ташкил этиш ва амалга ошириш;

– корпоратив тузилмалар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириб бориш;

– мулкдорлар ўртасида даромадлар тақсимланиши бўйича механизм ишлаб чиқиш ва ушбу муҳабизмнинг самарали ишлашини ташкил этиш;

– ижроия ҳокимияти органлари (маҳаллий ҳокимият органлари) томонидан корпоратив секторни ривожлантириш бўйича ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш;

– корпоратив бошқарувда давлатнинг ишончли вакили сифатида иштирок этиш, фаолиятни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича таклифлар бериш;

– молия тизимининг бошқа бўғинларида амалга ошириладиган операцияларни ташкил этиш ва муваффақиятли амалга ошириш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

– тасдиқланган давлат таълим стандартларидан ва ўқув-услубий материаллардан фойдаланган ҳолда умумий ва касб-ҳунар таълими муассасаларида молиявий-иқтисодий

фанлардан таълим бериш;

– таълимнинг инновацион усуллари кўллаган ҳолда молиявий-иқтисодий фанлардан ўқув-услугий таъминотни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– интернет тармоғида энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотни мақсадли қидириш ва топиш;

– илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш *қобилиятига эга бўлиши керак.*

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

– мустакил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

3. 5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустакил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган биринчи олти фанга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмалар тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;

- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

Умумқасбий фанлар блоки:

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

- иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

- бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усуллари билиши ҳамда аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тузиши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари ҳамда суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- солиқ муносабатларини билиши, солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаши;

- инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашнинг анъанавий ва дисконтлашга асосланган усуллари қўллаш, муқобил инвестиция лойиҳаларидан энг самарали инвестиция лойиҳасини танлаб олиш, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жараёнида инфляциянинг таъсирини баҳолаш, лойиҳа самарадорлигига таъсир қилувчи рискларни аниқлаш, уларнинг лойиҳага таъсир доирасини баҳолаш ҳамда лойиҳага таъсир қилувчи рискларни бошқариш.

Ихтисослик фанлар блоки:

- соҳа бўйича махсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

- корпоратив тузилмаларда юзага келадиган молиявий муносабатларни билиши ва амалга ошириши, капитал, молиявий активлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолаш олиши;

- молия бозорининг амал қилиш механизми, молиявий операциялар ҳамда молия институтларининг фаолиятини тушуниши, билиши, амалиётда қўллаш олиши;

- халқаро корпоратив молиянинг амал қилиш механизми, трансмиллий корпорацияларда молиявий муносабатлар тизими, халқаро капитал ҳаракати, хорижий валюталар билан боғлиқ рискларни бошқариш амалиётини билиши ва амалда қўллаш олиши;

- корпоратив молияни бошқариш механизмини билиши, молиявий таъминотни ва инвестиция фаолиятини ташкил этиши, молиявий рискларни бошқариши;

- корпоратив тузилмаларда юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни аниқлай олиши, эҳтимоллиги ва зарарлилигини баҳолаши ҳамда пасайтириш чораларини амалга ошириши;

- корпоратив тузилмаларда бизнес, молиявий активлар, капиталнинг ўртача тортилган баҳоси, ўзаро бирлашиш ва қўшиб олишларни баҳолаши ва амалиётда қўллай олиши;

- корпоратив хавфсизлик иқтисодий хавфсизликнинг алоҳида муҳим йўналиши сифатида юзага келиши, унга ички ва ташқи омиллар таъсирини билиши ва қарши чоралар қўллай олиши;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки

- таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар жадал ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5232100 – Корпоратив молия бакалаврият таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар

5232100 – Корпоратив молия бакалаврият таълим йўналишида малакавий амалиёт куйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

Ўқув-танишув амалиёти - талабаларни Ўзбекистон Республикаси корпоратив тузилмалар фаолияти билан умумий тарзда таништириш мақсадида амалга оширилади. Хусусан, корпоратив тузилмаларда фаолият юритиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бу жараён:

- Ўзбекистон Республикасида корпоратив тузилмалар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонун;

- Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурлари;

- корпоратив тузилмаларни ривожлантириш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари;

- корпоратив тузилмаларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш;

- корпоратив тузилмаларда юзага келадиган молиявий муносабатлар;

- устувор ва истиқболли инвестиция лойиҳалар ва уларни амалга ошириш дастурлари;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш дастурлари;

- мамлакатда хусусий корпоратив тузилмалар фаолияти юзасидан кўникмаларни шакллантиришга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти - ихтисослик фанлари блоки таркибидаги фанлардан ўтказилади. Таълим йўналиши талабаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида

мустақил ишлаш кўникмаларини қарор топтириш мақсадида ўзлаштирган билимларини амалиёт билан узвий боғлиқликда мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- иқтисодиёт тармоқларида корпоратив молиявий муносабатларни ўрнатиш ва амалга ошириш;
- корпоратив тузилмаларда молиявий таъминот узлуксизлигини таъминлаш;
- қимматли қоғозлар муомалага чиқариш ва жойлаштириш орқали капитал жалб қилиш;
- корпоратив молиявий ҳисоб-китобларга доир дастурий комплексларидан фойдаланиш;
- инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лойиҳа самарадорлигига таъсир қилувчи рискларни аниқлаш ва уларнинг лойиҳага таъсирини баҳолаш ҳамда уларни бошқариш;
- молиявий активларга инвестициялар киритишда актив ҳақиқий қиймати, даромадлилиги ва рисклилик даражасини аниқлаш;
- корпоратив молиявий муносабатларда рискларни бошқариш бўйича кўникмаларни эгаллашига қаратилган.

Битирув олди амалиётида талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, инновацион иқтисодиёт ривожланиши шароитида соҳа муаммоларини аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- корпоратив тузилмалар молиясини ташкил этиш бўйича илмий-амалий фаолият орқали иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг та-

лабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

3.3. 5232100 – Корпоратив молия бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- | | |
|------------------------------|---------|
| - назарий ва амалий таълим - | 58,8 %; |
| - аттестация - | 8,8 %; |
| - таътил - | 15,7 %; |
| - малака амалиёти - | 14,7%; |
| - битирув малакавий иши - | 2,0 %. |

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- | | |
|--|----------|
| - Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - | 25,64 %; |
| - Умумқасбий фанлар блоки - | 40,28 %; |
| - Ихтисослик фанлар блоки - | 28,83 %; |
| - Қўшимча фанлар | 5,25 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-10 ҳафта қилиб белгиланади.

5232100 – Корпоратив молия бакалаврият таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

T/p	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Талабанинг ўқув юкласи (соатларда)									Соатларнинг курс, семестр ва ҳафталар бўйича тақсироти															
		Умумий юкламанинг ҳажми		Аудитория машғулоти (соатларда)						Мустақил таълим	1-курс				2-курс				3-курс				4-курс			
				Жами	Маъруза	Амалий	Лаборатория	Семинар	Курс лойиҳаси (иши)		Курелардаги ҳафталар сони				Курелардаги ҳафталар сони				Курелардаги ҳафталар сони							
		соат								%		1		2		3		4		5		6		7		8
1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1662	25,64	998	288	564	36	110		664	24	15	6	6	2	2	2	2	2	2	2	2	2			
	Ўзбекистон тарихи	78		54	26				28	24	3															
1.01	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78		54	26				28	24		3														
1.02	Фалсафа	128		72	36				36	56			4													
1.03	Диншунослик	64		36	18				18	28	2															
1.04	Ўзбек (рус) тили	150		90		90				60	3	2														
1.05	Хорижий тил	356		196		196				160	2	2	2	2	2	2										
1.06	Жисмоний тарбия ва спорт*	128		72	10	62				56	2	2														
1.07	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172		108	36	36	36			64	4	2														
1.08	Иқтисодчилар учун математика	348		216	108	108				132	8	4														
1.10	Эконометрика	90		56	28	28				34			4													
1.11	Танлов фанлари	70		44		44				26												2	2			
2.00	Умумқасбий фанлар	2610	40,28	1410	660	750			2к	1200	4	13	18	12	12	16	8									
	Касбий психология	100		54	18	36				46		3														
2.01	Иқтисодиёт назарияси	328		180	72	108				148	4	6														
2.02	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	268		144	72	72			1к	124		4	4													
2.03	Статистика	236		128	64	64				108			4	4												
2.04	Менежмент. Маркетинг	200		108	36	72				92			6													
2.05	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	236		128	64	64			1к	108			4	4												
2.06	Молиявий таҳлил	224		120	60	60				104																
2.07	Аудит	236		128	64	64				108					4	4										
2.08	Солиқлар ва солиққа тортиш	224		120	60	60				104					4	4					4	8				
2.09	Сугурта назарияси ва амалиёти	224		120	60	60				104					4	4										
2.10	Инвестиция лойиҳалари таҳлили	126		68	34	34				58												4	2			
2.11	Танлов фанлари	208		112	56	56				96				4		4						4	2			
3.00	Иқтисослик фанлари	1868	28,83	988	494	494			5к	880			4	12	16	8	20						14			
3.01	Корпоратив молия	638		336	168	168			2к	302			4	4	4	4	4	4					4			
3.02	Молия бозори	196		104	52	52			1к	92							4	4								
3.03	Корпоратив риск-менежменти	90		48	24	24				42												4				
3.04	Халқаро корпоратив молия	128		68	34	34			1к	60												4	2			
3.05	Молия	228		120	60	60			1к	108				4	4											
3.06	Инвестиция ва инновациялар	228		120	60	60				108				4	4											
3.07	Молиявий менежмент	166		88	44	44				78												4	4			
3.08	Танлов фанлари	194		104	52	52				90													4			
4.00	Қўшимча фанлар	340	5,25	204	102	102				136	2	2	2				4						4			
	Жами	6480	100,0	3600	1544	1910	36	110	7к	2880	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30	30			
	Малакавий амалиёт	1620																								
	Битирув малакавий иши	216																								
	Аттестациялар	972																								
	Жами	2808																								
	Ҳаммаси	9288																								

“Молиявий менежмент” кафедраси мудири

С.Элмирзаев

Библиографик маълумотлар

УДК: 002-651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

молия, молиявий сиёсат, молия тизими, молиявий назорат, молиявий бошқарув, молиявий режалаштириш, корпоратив тузилма, корпоратив молия, молия бозори, молиявий менежмент, халқаро корпоратив молия, корхоналарда ҳисоб-китоб тизими, молиявий таҳлил, инвестиция, давлат молияси, давлат бюджети, бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқ, сугурта, банк иши, ижтимоий таъминот, давлат кредити, уй хўжаликлари молияси, халқаро молия, халқаро ҳисоб-китоблар, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаштириш, илмий-тадқиқотларни ташкил қилиш, назария.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:



Тошкент молия институти

Ректор [Signature] проф. Н.Х.Хайдаров

2018 йил « _____ » _____

М.Ў.

Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти

Иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича

бошқарув раиси ўринбосари [Signature] ў.Д.Каримов

2018 йил « _____ » _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини

Ривожлантириш маркази



Директор [Signature] проф. Б.Х.Раҳимов

2018 йил « _____ » _____

[Signature]

Ўзтемирйўлконтейнер акциядорлик
жамияти

Ўзпахтасаноат акциядорлик
жамияти

Бошқаруви раиси [Signature] ў.С.Астанов

Иқтисодиёт ва
инвестициялар
департаменти

бошлиғи [Signature] М.Расулов


2018 йил « _____ » _____

М.Ў.



201_ йил « _____ » _____

М.Ў.



**Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти, Ўзпахтасаноат акциядорлик жамияти,
Ўзтемирйўлконтейнер акциядорлик жамияти, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги
Ривожлантириш маркази томонидан тақдим этилаётган 5232100 – “Корпоратив молия” бакалавриат таълим
йўналиши учун янгидан яратилаётган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим
йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган
умумий малака талаблари**

Т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалавриат таълим йўналиши*		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари
	шифри	номи	
1	5232100	Корпоратив молия	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - корпоратив тузилмалар фаолияти, корпоратив молияни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва уларни қўллай олиши; - корпоратив тузилмалар фаолиятини ташкил этиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва фаолиятини амалга ошириш бўйича тавсиялар бера олиши; - корпоратив қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни жойлаштириши; - корпоратив тузилмаларда бюджетлар, молиявий режалар, бизнес-режалар, молиявий ҳисоботларларнинг асосий кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлашда иштирок этиш; - корпоратив тузилмаларда молиявий ресурслар жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларни юритиш; - корпоратив тузилмалар ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни ташкил этиши ҳамда амалга ошириши; - инвестицион фаолиятни самарали ташкил этиш орқали корпоратив тузилмалар фаолият самарадорлигини ошириш; - молиявий рискларни самарали бошқариш орқали корпоратив тузилмалар фойдасини максималлаштириш; - лойиҳалар, бизнес-режаларни тузиш, улар ижросини ташкил этиш, ҳисобини юритиш, халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш; - давлат билан молиявий муносабатларни белгиланган тартибда амалга ошириш; - солиқ муносабатларини ташкил этиш, солиқларни режалаштириш, шунингдек, солиқ тизимининг алоҳида элементлари тўғрисидаги ахборотларни шарҳлаш ва таҳлил қилиш;

		<ul style="list-style-type: none"> - корпоратив тузилмаларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги инвестицион мақсадларда молиявий операцияларини ташкил этиш ва ўтказиш; - корпоратив тузилмалар ташки иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш; - молия бозори институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш; - давлат ва хусусий шерикчилик асосида лойиҳаларни амалга оширишда корпоратив тузилмаларнинг фаол иштирокини таъминлаши; - миллий ва халқаро бозорларда қимматли қоғозларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) операцияларини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш; - корпоратив тузилмалар фаолият самардорлигини баҳолаш ва таҳлил асосида молиявий барқарорлик даражасини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.
--	--	---



Тошкент молия институти
ўқув ишлари бўйича проректори

Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти
Иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича бошқарув раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази директори

Ўзтемирўлконтейнер акциядорлик жамияти бошқарув раиси

Ўзпахтасаноат акциядорлик жамияти
Иқтисодиёт ва инвестициялар департаменти бошлиғи



И.Н.Кўзиев

У.Д.Каримов

Б.Х.Рахимов

Ў.С.Астамов

М.Р.Расулов

**Тошкент молия институтида тайёрланадиган 5232100 – “Корпоратив
молия” бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув
режасини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар
истеъмолчилари ўртасида**

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент шаҳри

“ ___ ” _____ 201__ й.

Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича бошқарув раиси ўринбосари Ў.Д.Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази директори Б.Ҳ.Раҳимов, Ўзтемирйўлконтейнер акциядорлик жамияти бошқарув раиси Ў.С.Астанов, Ўзпахтасаноат акциядорлик жамияти Иқтисодиёт ва инвестициялар департаменти бошлиғи М.Расулов ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори И.Н.Қўзиев, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар хақида туздик:

1. 5232100 – “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 22 майдаги 328-сонли, 26 майдаги 344-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 3 июндаги 365-сонли, 5 июндаги 369- ва 371-сонли, 16 июндаги 399- ва 404-сонли, 19 июндаги 407-сонли, 7 июлдаги 458-сонли ва 10 июлдаги 460-сонли буйруқларига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган.

2. 5232100 – “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналишини малака талаби ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази, Ўзтемирйўлконтейнер АЖ, Ўзпахтасаноат АЖ мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. 5232100 – “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналиши кадрлар истеъмолчиси – Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти,

Ўзтемирйўлконтейнер АЖ, Ўзпахтасаноат АЖ мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Олмалик кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти, Ўзтемирйўлконтейнер АЖ, Ўзпахтасаноат АЖ мутахассисларининг таклифлари 5232100 – “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналиши малака талаби ва ўқув режасини мукамаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаби ва ўқув режасини ўқув жараёнига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Олмалик кон-металлургия
комбинати акциядорлик
жамияти Иқтисодиёт ва молия
масалалари бўйича бошқарув
раиси ўринбосари**


Ў.Д.Каримов




**Тошкент молия институти ўқув
ишлари бўйича проректори**



**Ўзтемирйўлконтейнер
акциядорлик жамияти
бошқарув раиси**


И.Н.Кўзиев

**Ўзбекистон Республикаси Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий ва ўрта махсус,
касб-хунар таълимини
Ривожлантириш маркази
директори**


Б.Х.Раҳимов

**Ўзпахтасаноат акциядорлик
жамияти Иқтисодиёт ва
инвестициялар департаменти
бошлиғи**




М.Расулов




Ў.С.Астамов

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича
Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи
Кенгашнинг «Иқтисод» Ўқув-услубий бирлашмаси
5-сонли баённомасидан
КЎЧИРМА

2018 йил “ 7 ” июль

Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: проф. Б.Ю.Ходиев - раис, Н.Хайдаров, Ғ.Захидов, Ш.Мусафакулов, И.Қўзиёв, Б.Усманов-масъул котиб, Д.Ахмедов, А.Каримов, З.Адилова, Б.Умирзоков, Ш.Эргашхўжаева, З.Муқумов, Н. Йўлдошев, А. Кучаров, А. Жўраев, Т.Маликов, А. Омонов, А. Каримов, Р. Холбеков, З. Умаров, М. Аскарлов, Л. Зойиров, А. Аюбжонов, И.Абдурахмонов, Г.Абдурахмонова, А. Тўйчиев, Б. Маматов, Т. Баймуратов, Б. Хажиев, И.Хотамов, С.Худойкулов, Ф.Насриддинов, Н. Исмоилова, М. Аманбоев, Г. Мелибоева

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III қисми, 2018 йил 4 июндаги “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топширигида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ва 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сон хати ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадр истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларни Классификатори”га мувофиқ бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси.

Э Ш И Т И Л Д И:

проф. Б.Ю.Ходиев Ўқув-услубий бирлашма раиси. Мамлакатимизда қабул қилинган “Харакатлар стратегияси”да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг тараққиёти ва истиқболини таъминлаш мақсадида иқтисодий- ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳалардаги катта ўзгаришларни ҳисобга олиб, олий таълим тизимида ҳам узвий ислохотлар йўлга қўйилдики, бунда олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари)нинг янгиланган Классификаторида кадрларни тайёрлаш, жаҳон тажрибалари, мамлакат ва жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таълим йўналишлари

(мутахассисликлари)ни тегишли соҳаларга мувофиқлик нуктаи назаридан унификацияланди ва ўқув режаларидаги фан блоклари яхлитланди. фанлар таркиби ўзаро мувофиқлаштирилди. Шундан келиб чиқиб, таянч олий таълим муассасаси сифатида Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари иштирокида махсус ишчи гуруҳ аъзолари томонидан таълим йўналиш (мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режалари янгидан ишлаб чиқилган. Уларга кадрлар истеъмолчилари, вазирлик ва идоралар, турдош олий таълим муассасаларидан тақризлар олинган.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари, Сизлардан ушбу тайёрланган бакалаврият таълим йўналиш (магистратура мутахассислик) ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиришларингизни сўрайман.

СЎЗГА ЧИҚДИЛАР:

1. Проф. Н.Хайдаров Ўқув-услугий бирлашма аъзоси. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, инновацион ривожланиш шароитида иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви жараёнида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига жадал жорий этилишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълимнинг норматив хужжатлари, хусусан, таълим йўналиш(магистратура мутахассислик)ларининг малака талаблари ва ўқув режаларини халқаро амалиётнинг академик стандартлари билан уйғунлаштириш хамда уларнинг узвийлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилган.

Улар олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига мос равишда иқтисодиётда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, олий таълим муассасарида замонавий инновацион технологиялар бўйича чуқур назарий билим хамда амалий кўникмаларни пухта эгаллаган, рақобатбардош кадрларни тайёрлашга мўлжалланган. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган барча малака талаблари ва ўқув режаларни маъқуллайман ва тасдиқлашларингизни сўрайман.

2. проф. А.Кучаров, проф. А.Жўраев, доц.Б.Мамагов, доц.А.Омонов ва бошқа ўқув-услугий бирлашма аъзолари хам сўзга чиқиб, Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари хамда кадрлар буюртмачилари иштирокида ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари белгиланган талаблар асосида тайёрланган, уларда иқтисодиётнинг соҳаларидаги ислохотлар инобатга олинганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган барча таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини тасдиқлаш учун тавсия этдилар.

3. Доц. Б.Усманов – Ўқув-услугий бирлашма котиби, Тошкент молия институти етакчилигида турдош олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари иштирокида ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим талаблари асосида тузилган, Уларни ишлаб чиқиш жараёнида ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари инобатга олинган. Шунга кўра,

муҳокамага қўйилган бакалавр таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалар ини маъқуллаш ва тасдиқлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қуйидаги олий таълим йўналишлари (мутахассисликлари) нинг янгиланган Классификаторига мос равишда таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини "Иқтисод" ўқув-услубий бирлашмасида қўриб чиқиб, тасдиқлаш учун тавсия этишларингизни сўрайман:

Т/р	Бакалаврият таълим йўналиши ва мутахассислик номи		Бакалаврият таълим йўналиши	Магистратура мутахассисликлари
			5-босқич	5А-босқич
1	Таълим йўналиши:	Молия	5230600	
	Мутахассислик:	Давлат молиясини бошқариш		5A230601
		Корпоратив молия ва қимматли қоғозлар бозори (соҳалар бўйича)		5A230602
		Инвестицияларни бошқариш (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230603
		Халқаро молия		5A230604
2	Таълим йўналиши:	Банк иши	5230700	
	Мутахассислик:	Банк иши (фаолият турлари бўйича)		5A230701
		Банк ҳисоби ва аудит		5A230702
3	Таълим йўналиши:	Солиқлар ва солиққа тортиш	5230800	
4	Таълим йўналиши:	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	5230900	
	Мутахассислик:	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230901
		Аудит (тармоқлар ва соҳалар бўйича)		5A230902
		Бюджет ҳисоби ва назорати		5A230903
5	Таълим йўналиши:	Сугурта иши	5231200	
	Мутахассислик:	Сугурта иши		5A231201
6	Таълим йўналиши:	Пенсия иши	5231300	
	Мутахассислик:	Пенсия иши		5A231301
7	Таълим йўналиши:	Баҳолаш иши	5231500	
	Мутахассислик:	Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)		5A231501
8	Таълим йўналиши:	Давлат бюджетининг ғазна ижроси	5232000	
9	Таълим йўналиши:	Корпоратив молия	5232100	
10	Таълим йўналиши:	Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш	5232700	
11	Таълим йўналиши:	Электрон тиждат	5232800	

Жами: 23 (11/12) та малака талаблари ва ўқув режалари

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Таянч ОТМ сифатида Тошкент молия институти томонидан кадрлар истеъмолчилари ва турдош олий таълим муассасалари вакиллари жалб этган ҳолда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун манфаатдор вазирликлар (идоралар) ҳамда асосий иш берувчи субъектлар ва илмий тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилгани эътироф этилсин.

3. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режаларида кўрсатилган фанларнинг услубий таъминоти ўрганиб чиқилсин.

4. Малака талаблари ва ўқув режалари лойиҳаларини ишлаб чиқишда, шунингдек, фанларнинг услубий таъминотини яратишда экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва тақлифлар инобатга олинсин.

5. Ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаштишга тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашиига тақдим этилсин.



Бирлашма

Markaziy

B. Yuliev Б. Ю. Ходиев

B. B. Usmonov Б. Б. Усмонов

5232100 – Корпоратив молия бакалавриат йўналиши малака талабининг халқаро микёсдаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таҳлили

Бакалавриатда таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Буюк Британия	Швейцария
1.	Бошланиши	Умумий ўрта таълимдан сўнг	Умумий ўрта таълимдан сўнг	Умумий ўрта таълимдан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил	4 йил	3 йил
3.	Таълим олувчилар сони	20	136	25
4.	Ўтиш жойлари	Олий таълим муассасалари, компаниялар ва фонд биржаси	ОТМ, индивидуал лойиха бўйича иш олиб бориладиган компаниялар	ОТМда ва алоҳида лойиха бўйича корпорацияларда
5.	Таълим берувчилар	Фан номзоди ва доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар	Профессорлар, молия бўйича PhD илмий даражасига эга шахслар	Молия бўйича PhD даражасини олганлар, академик ва профессорлар
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	ОТМ томонидан ички назорат, якуний давлат аттестацияси ва битирув малакавий иши ҳимояси, ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан давлат жамоат назорати, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ташқи назорат	ОТМ ички назорати, Таълим соҳасида сифатни таъминлаш бошқармаси томонидан ташқи назорат (Quality Assurance Agency, QAA)	Швейцария конференция кантонал таълим вазирлиги (Swiss Conference of Cantonal Ministers of Education), 26 кантонал таълим вазирликларидан ташкил топган департамент ассамблеяси, Лихтенштейн қироллиги доимий кузатувчилик қилади

Бакалавриатда таълим жараёнининг таркиби

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Буюк Британия	Швейцария
1.	Назарий таълим	Асосий қисми назарий ва семинар машғулотлари кўринишида асосий базада ва қисман амалиёт ўтилатган муассасаларда ўтказилади	Асосан олий таълим муассасаси ва унинг қошидаги ихтисослаштирилган марказларда ўтказилади	Асосий қисми таълим муассасасида, қисман эса стажировкаларда муаммоли маърузалар тарзида ўтказилади.
2.	Амалий таълим	Ўқув аудиториялари билан биргаликда махсус жиҳозланган ва Интернет тармоғига уланган ўқув аудиторияларида амалга оширилади. Шунингдек экскурсия тарзида фонд биржасида ташкил этилади.	Ўқув дастурида кўрсатилган цикллар тартибида таълим муассасасидаги махсус бўлимларда, корпорациялар ва фонд бозорларида амалга оширилади.	Олий таълим муассасаси қошидаги махсус марказларда, кафедраларда, корпорация ва фонд биржаларида ташкил этилади.
3.	Илмий тадқиқот ишлари	Бакалавриатда таълим олувчилар танлаган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан корпоратив тузилмаларда амалга оширади. Кафедрадан илмий даражага эга профессор-ўқитувчилар, етакчи амалиётчи мутахассислар илмий раҳбар (илмий маслаҳатчи) этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланадилар.	Бакалавриат резидентлари ўқиш жараёнида илмий иш мавзуси кейинги босқичда докторлик илмий ишига асос сифатида танланади ва мустақил илмий изланиш кўринишида амалга оширилади. Ўқиш жараёнида илмий раҳбар тайинланади.	Талабалар мустақил илмий иши лойиҳа-диссертация сифатида тайёрланади. Унга университет профессор-ўқитувчиси ёки лойиҳа амалга оширилатган ташкилотдан раҳбар бириктирилади. Илмий иш давомида талабалар рефератлар тақдим этиши, конференцияларда иштирок этиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналларга мақола ёзиши мумкин.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа олий ўқув юртлирида яратилган шароитлардан (таркатма материаллар, иқтисодий-статистик материаллар, молиявий ҳисоботлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Олий таълим муассасаси кутубхона фонди, тегишли агентликлар ва фонд биржалари бюллетенлари, молиявий ҳисоботлар, интернет тармоғи, бошқа кутубхоналар кабилардан фойдаланишлари мумкин.	Университет кутубхонаси, давлат кутубхоналари, ихтисослаштирилган курубхоналар, интернет тармоғи, илмий журналлар, молиявий ҳисоботлар ва биржалар бюллетенларидан кенг фойдаланишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, илмий-тадқиқот ишлари бўйича билимларини баҳолаш талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими асосида жорий, оралик, якуний	Талабаларнинг назарий билимлари тест саволлари орқали баҳоланади. Амалий кўникмалар махсус марказларда синовлардан	Ҳар бир мажбурий, ихтисослик ва кўшимча курслар (фанлар) тугаши билан тест ва оғзаки суҳбат тарзида баҳолаш амалга оширилади. Бунда бажарилган лойиҳа

	баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Яқуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида талаб қилинади.	ўтказилади.	баҳосига, семинарлардаги иштирокига боғлиқ равишда курслар (фанлар) бўйича баҳога тузатиш киритилиши мумкин. Ҳар бир имтиҳонни бир марта қайта топшириш мумкин. Агар икки марта ҳам имтиҳондан ўта олмаса, қўшимча курс белгиланиши ёки бошқа мутахассисликка ўтиши мумкин.
--	--	-------------	---

Бакалавриатда таълим жараёнининг мазмуни ва давомийлиги

Ўзбекистон Республикаси	Муддати	Буюк Британия	Муддати	Швейцария	Муддати
1. Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	208	1. Замонавий корпоратив молия	10 ой	1. Молиянинг математик асослари	10 ой
2. Иқтисодчилар учун математика	312	2. Инвестицияларни объектив бошқариш	3 ой	2. Корпоратив молияни чуқурлаштирилган ўрганиш	3 ой
3. Статистика	184	3. Молия инжиниринги ва рискларни бошқариш	3 ой	3. Молиявий иқтисодиёт	3 ой
4. Эконометрика	80	4. Тадбиркорликни молиялаштириш	3 ой	4. Молиявий муассасалар ва молия бозорлари	1 ой
5. Иқтисодиёт назарияси	338	5. Қатъий белгиланган даромадли қимматли коғозлар	1 ой	5. Рисклар назарияси	2 ой
6. Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	272	6. Компанияларнинг қўшилиши ва бошқа корпоратив қайта ташкил этилиш ҳолатлари	2 ой	6. Ҳосилавий ва молиявий инжиниринг	1 ой
7. Менежмент. Маркетинг	202	7. Молиявий бошқарув стратегияси	1 ой	7. Корпоратив инвестициялар, реал имкониятлар ва молиявий тузилиш	2 ой
8. Молиявий ва бошқарув ҳисоби	240	8. Бозорнинг вақт бўйича каторлари таҳлили, моделлаштириш ва прогнозлаштириш.	0.5 ой	8. Рискларни амалий бошқариш	0.5 ой
9. Молиявий таҳлил	230	9. Бозор молиявий структураси ва савдолари	1 ой	9. Молия бозорлари моделлари	4 ой
10. Аудит	240	10. Глобал капитал ва валюта бозорлари	2 ой		
11. Солиқлар ва солиққа тортиш	230		0.5 ой		
12. Сугурта назарияси ва амалиёти	230		4 ой		
13. Инвестиция лойиҳалари таҳлили	138				
14. Корпоратив молия					
15. Молия бозори	660				
16. Корпоратив риск-менежменти	204				
17. Халқаро корпоратив молия	94				
18. Молия	210				
19. Инвестиция ва инновациялар	234				
20. Молиявий менежмент	172				

“Молиявий менежмент” кафедраси мудири

С.Элмирзаев



**Тошкент молия институти томонидан ишлаб чиқилган
5232100 – “Корпоратив молия” бакалаврият таълим йўналишининг
малака талабларига**

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Мазкур 5232100 - “Корпоратив молия” бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсади, вазифалари ва коидаларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланган. Малака талаблари таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишга, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлашга, шунингдек, таълим-тарбияга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини мукамал амалга оширилишига қаратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида, шунингдек, Вазирликнинг шу мазмундаги қатор буйруқларида келтирилган қатор вазифаларни ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Малака талаблари дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний кадриятлар тамойиллари, шу жумладан: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи; таълимнинг инсонпарварлашуви, инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви; таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш; таълимнинг миллий йўналтирилганлиги, таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг

маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги; иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларга таълимнинг энг юкори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳисобга олинди.

3. Малака талаблари асосида таълим олувчиларда корпоратив молия соҳасида чуқур билим, ижодий қобилиятни намоён этиш, мустақил фикрлаш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш, илғор технология соҳасида педагог кадрларнинг малакаси бевосита ишлаб чиқаришда мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади.

4. Мазкур 5232100 – “*Корпоратив молия*” таълим йўналишининг малака талаблари корпоратив молиявий муносабатларни ташкил этиш, амалга ошириш, халқаро тажриба, кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни рағбатлантириш, кадрлар тайёрлаш ва биргаликдаги илмий ишланмаларни яратишда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлашни қўллаб-қувваш, фаннинг ривожланиш даражаси ва илғор ютуқлари, иктисодиётни модернизациялаш шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар, олий таълимни ривожлантиришнинг жаҳон тенденцияси, мазкур малака талаблари ва ўқув режалари Япония (National Graduate Institute for Policy Studies), Жанубий Корея (Yonsei University), Германия (Frankfurt School of Finance & Management) АҚШ (Harvard Kennedy school) каби ривожланган мамлакатларнинг бакалавриат дастурлари билан киёсий таққослаш асосида ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган. Таълим турлари ва босқичлари бўйича йўналишнинг малака талабининг келишилганлиги ва изчиллиги, таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги, таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги, таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги, давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги, таълим ва тарбия жараёнининг мустақил фикрлайдиган, қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришга йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди. Хусусан, 5232100 – “*Корпоратив молия*” бакалавриат таълим йўналиши учун малака талаблари ва ўқув режаларида кадрлар истеъмолчилари сифатида Олмалик КМК акциядорлик жамияти, Пахтасаноат акциядорлик жамиятининг таклифлари асосида қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

5. Ўқув юклагаси оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятлари, ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига мувофиқ равишда таълимга табақалаштирилган ёндашувини жорий этиш; таълим беришнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни

яратиш ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик жиҳатдан таъминлаш ҳисобга олинди.

6. Таълим олувчиларни тайёрлашда янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди.

7. Малака талабининг технологиклиги – унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, мазкур 5232100- “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди.

8. Мазкур 5232100- “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналишининг малака талабига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти (фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграцияни таъминлаш, таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш) фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди.

9. 5232100- “Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналишининг малака талаби Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими ва “Иқтисод” таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти (Ўзстандарт агентлиги, 30.10.2015 й, № 5927) қоидалари талабларига, шу жумладан, стандартлаштиришнинг асосий мақсадларига, республикада стандартлашга доир ишларни мақбул даражада ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш функциясига, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари таълим дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда битирувчиларнинг тайёргарлигига нисбатан қўйиладиган умумий малака талабларига тўлиқ мос келади.

**“Молиявий менежмент”
кафедраси мудири**



и.ф.д. С.Элмирзаев

“Корпоратив молия” бакалавриат таълим йўналиши янги ўқув режасининг ўтган йилги ўқув режа билан солиштирма таҳлили

Т/р	2017 йил ўқув режа	Соат хажми	Т/р	2018 йил ўқув режа	Соат хажми
1.00	Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	968	1.00	Гуманитар ва табиий-илмий фанлар	1662
2.00	Математик ва табиий-илмий фанлар	930	1.01	Ўзбекистон тарихи	78
2.01	Ахборот-коммуникация технологиялари	316	1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
2.02	Иқтисодчилар учун математика	254	1.03	Фалсафа	128
2.03	Иқтисодий математика	240	1.04	Диншунослик	64
2.04	Эконометрика асослари	120	1.05	Ўзбек (рус) тили	150
3.00	Умумқасбий фанлар	3774	1.06	Хорижий тил	356
3.01	Иқтисодиёт назарияси	272	1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
3.02	Микроиқтисодиёт	188	1.08	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	172
3.03	Макроиқтисодиёт	188	1.10	Иқтисодчилар учун математика	348
3.04	Статистика	188	1.11	Эконометрика	90
3.05	Менежмент. Маркетинг	252	1.12	Танлов фанлари	70
3.06	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	252	2.00	Умумқасбий фанлар	2610
3.07	Молиявий таҳлил	252	2.01	Касбий психология	100
3.08	Пул ва банклар	252	2.02	Иқтисодиёт назарияси	328
3.09	Солиқлар ва солиққа тортиш	252	2.03	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	268
3.10	Сўғурта назарияси ва амалиёти	126	2.04	Статистика	236
3.11	Молия бозори	188	2.05	Менежмент. Маркетинг	200
3.12	Инвестиция	196	2.06	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	236
3.13	Молия	188	2.07	Молиявий таҳлил	224
3.14	Давлат молияси	126	2.08	Аудит	236
3.15	Аудит	156	2.09	Солиқлар ва солиққа тортиш	224
	Танлов фанлари	782	2.10	Сўғурта назарияси ва амалиёти	224
4.00	Иқтисослик фанлари	1400	2.11	Инвестиция лойиҳалари таҳлили	126
4.01	Корпоратив молия	378	2.12	Танлов фанлари	208
4.02	Халқаро корпоратив молия	126	3.00	Иқтисослик фанлари	1868
4.03	Молиявий менежмент	196	3.01	Корпоратив молия	638
4.04	Риск-менежмент	188	3.02	Молия бозори	196
4.05	Корпоратив баҳолаш	156	3.03	Корпоратив риск-менежменти	90
	Танлов фанлари	356	3.04	Халқаро корпоратив молия	128
5.00	Қўшимча фанлар	380	3.05	Молия	228
	Жами	7452	3.06	Инвестиция ва инновациялар	228
	Малакавий амалиёти	918	3.07	Молиявий менежмент	166
	Битирув малакавий иши химояси билан	216	3.08	Танлов фанлари	194
	Аттестациялар	918	4.00	Қўшимча фанлар	340
	Жами	2052		Жами	6480
	ҲАММАСИ	9504		Малакавий амалиёт	1620
				Битирув малакавий иши	216
				Аттестациялар	972
				Жами	2808
				ҲАММАСИ	9288